

Коррупция бутун ин-
сониятга, барча жами-
ятлар асосига, иқти-
содий тараққиётга
зарба берадиган, қо-
нун устуворлигини
бузадиган ва халқ-
нинг давлат сиёсати-
га ишончини кескин су-
сайтирадиган, демо-
кратик институтлар
ривожига тўсқинлик
қиладиган хатарли
таҳдиддир ва у барқа-
рор ривожланиш мақ-
садларига эришиш
борасидаги режала-
римизга ҳам жиддий
путур етказади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

МУРОСАСИЗ КУРАШИШ ЗАРУР

19 декабрь куни
«Tashkent city» халқаро
ишбилармонлик мар-
кази ҳудудида халқаро
ҳамжамиятнинг корруп-
цияга қарши курашиш
борасидаги саъй-ҳара-
катларини ифодаловчи
монументнинг очилиш
маросими бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўз-
бекистон Республикаси Пре-
зиденти **Шавкат Мирзиёев**
ва Қатар Амири **шайх Тамим**
бин Ҳамад Ол Соний ишти-
рок этди.

Тадбирда БМТ Бош котиби-
нинг ёрдамчиси **Александр**
Зуев ва хорижий мамлакат-
ларнинг расмий шахслари ҳам
қатнашди.

Кафти очик қўл кўринишида
металлдан ишланган ушбу ўн
икки метрлик композиция ҳа-
лоллик, пок амал ва ният-
ларни, коррупцияга нисбатан
мутлақ тоқатсизлиқни, дунё-
нинг барча мамлакатларини
унга қарши курашишда бирла-
шишга чақириқни англатади.



◆ Президент Шавкат Мирзиёев
Рақамли технологиялар вазирлигига
ташриф буюриб, IT ва рақамлашти-
риш соҳасидаги натижалар ва ре-
жалар билан танишди.



◆ Президент Шавкат Мирзиёев
раислигида тармоқ ва ҳудудларда
ахборот технологияларини ривож-
лантириш ҳамда давлат бошқару-
вини рақамлаштириш бўйича усту-
вор вазифалар юзасидан видеосе-
латор йиғилиши ўтказилди.



◆ 2023 йил 20 декабрь куни
Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажлиси Сенати
қирқ саккизинчи ялпи мажлиси
бўлиб ўтди.



◆ Қишлоқ хўжалиги вазири
Иброҳим Абдурахмонов Венгрия-
нинг Ўзбекистондаги Фавқулодда
ва мухтор элчиси жаноб Йозеф
Рожа билан учрашди.



◆ Ўзбекистон дипломатлари
Шанхай шаҳрида Халқаро сав-
донини ривожлантириш кенгаши
раиси Чжоу Минхао ва минтақа
Савдо-саноат федерацияси раиси
Чжоу Цзицилар билан алоҳида
учрашувлар ўтказди.

◆ Фарғона вилояти ҳокими-
нинг қишлоқ ва сув хўжалиги ма-
салалари бўйича ўринбосари Али-
бек Турсунов бошчилигидаги соҳа
масъуллари ҳамда кластерлар раҳ-
барларидан иборат Фарғона ви-
лояти делегацияси амалий сафар
билан Хитойга борди.



◆ Ўзбекистон туризм қўми-
таси раиси Умид Шодиев Хитойга
ташрифи давомида Пекин халқаро
тадқиқотлар университети прези-
денти Жи Жимбао билан учрашув
ўтказди.



◆ «Бир макон, бир йўл» ташаб-
бусини биргаликда ривожланти-
риш мақсадида Хитой Халқ Рес-
публикасининг Харбин шаҳрида
«Шимоллий-Шарқий Осиё ва Жа-
нубий-Шарқий Осиё минтақаларида
халқаро иқтисодий савдо алоқа-
лари ва юридик хизматлар ҳамкор-
лиги» мавзусидаги халқаро форум
бўлиб ўтмоқда.

Мазкур халқаро форумда Хи-
тоий Халқ Республикаси маъмурия-
тӣ вакиллари, тадбиркорлар, Хи-
тоий, Ўзбекистон, Россия, Беларусь
давлатлари нотариат тизими ҳамда
юримдик хизмат кўрсатиш соҳаси
вакиллари иштирок этишмоқда.

Хитой нотариуслари ассоциа-
цияси, Ўзбекистон Нотариал па-
латаси, Россия Федерал Нотариал
палатаси ва Беларусь Нотариал
палатаси ўртасида ҳамкорлик ме-
морандуми имзоланди.

ЯНГИ ТАРТИБ

ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИК КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМАЙДИМИ?

Муносабат

Яқинда телеграм каналларидан
бирида эълон қилинган ушбу
хабарга кўзим тушиб қолди:
«...тадбиркорларга тегишли
фото ва видеоёзув ускуналарига
ҳам камар тақмаганликни
ҳуқуқбузарлик сифатида қайд
этиш имкониятини берувчи ҳу-
кумат қарори лойиҳаси тайёр-
ланган ва тез кунларда қабул
қилинади».

Хозирча камар тақмаганлик ҳо-
лати фақат Ички ишлар вазир-
лиги ва маҳаллий ҳокимиятларга
тегишли фото ва видеоёзув ускуна-
ларига қайд этилмоқда. Агар юқоридаги
қарор қабул қилиниб, амалиётга татбиқ
этилса, тадбиркорлар ҳам бундай им-
кониятга эга бўладилар.

Адолат нуқтаи назаридан олиб қа-
раганда, хавфсизлик камаридан фойда-
ланмаслик ҳолатларини видеокузатув
камералари орқали аниқлаш ва маъму-
рий жавобгарлик белгилаш – ўта баҳс-
ли масала.

Хусусан, йўл ҳаракати қоидалари-
нинг тегишли бандларига кўра, хавф-
сизлик камаридан фойдаланмайдиган
ҳайдовчилар тоифаси ҳам белгиланган.
Масалан, соғлиги кўтармайдиган ва
бунди тиббиёт бирлашмаси тасдиқлаган
ҳайдовчилар.

Хўш, ушбу тоифа ҳайдовчиларга
нисбатан видеокамералар орқали қо-
дабузарлик аниқланиб, жарима белги-

ланган тақдирда, улар кимга ёки қаерга
мурожаат қилиши керак?

– Йўл ҳаракати қоидаларига кўра,
конструкциясида хавфсизлик камарла-
ри назарда тутилган транспорт восита-
сини бошқараётган ҳайдовчи ва унинг
олд ўриндиғидаги йўловчилар ҳаракат-
ни бошлашдан олдин хавфсизлик кама-
рини тақиши шарт, – дейди Ички ишлар
вазирлиги Жамоат хавфсизлиги депар-
таменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хиз-
мати (ИИБ ЖХД ЙХХХ) ахборот хизмати
ходими Мадина Абдужалилова. – Шу-
нингдек, тегишли бандлар билан айрим
тоифадаги ҳайдовчиларга хавфсизлик
камарини тақмасдан ҳаракатланишга
рухсат берилган. Автомобилнинг орқа
ўриндиғидаги 12 ёшгача бўлган бола-
лар, ўқувчи бошқараётган ўқув-машқ
транспорт воситасининг инструктори,
ҳомилалар аёллар, саломатлиги хавф-
сизлик камари тақиш имконини бер-
майдиган беморлар (Соғлиқни сақлаш
вазирлиги томонидан белгиланган ка-
салликлар рўйхатида мавжуд ва ушбу
касалликлар билан касалланган буйи-
ча тиббий маълумотнома мавжуд бўл-
ганда), хизмат вазифасини бажараётган
ходимга бириктирилган кўк ёки қизил
ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқ-
часи билан жиҳозланган ҳамда махсус
рангли бўёқ схемалар ва ёзувлар би-
лан белгиланган транспорт воситалари
ҳайдовчилари шулар жумласидан.

Тиббий маълумотномаси бор фуқа-
роларга нисбатан маъмурий баённома
расмийлаштирилса ҳамда жарима
тўлаш тўғрисида қарор юборилса,
улар саломатлик ҳолатини тас-

диқловчи ҳужжатни илова қилган ҳо-
да, тегишли суд органига мурожаат қи-
лишлари мумкин.

Афсуски, мутасаддининг бу жавоби
ҳам қатор саволларни юзга чиқар-
моқда.

Тасаввур қилинг, автомобилнингиз-
да бир кунда тахминан қирқ километр
масофа босиб ўтасиз ва йўлда кўпги-
на видеокамера хотирасига «муҳр-
ланасиз». Хавфсизлик камаридан
(тиббий маълумотнома асосида,
албатта) фойдаланмаганингиз
учун камера қоидабузарликни
аниқлади ва сизга нисбатан
маъмурий жавобгарлик бел-
гиланди. Демак, ушбу жа-
римани тўламаслик учун ўз
ҳудудингиздаги маъмурий
ишлар бўйича судларга
мурожаат қилишингизга
тўғри келади. Таби-
ийки, бу ҳолатда
ҳам вақтдан,
ҳам маблағ-
дан ютқа-
засиз.

Хўш,

масъуллар
жарима қўл-
лашнинг янги-
дан-янги турла-
рини жорий этар
экан, масаланинг
шу жиҳатларини нега
ҳисобга олмайди? Му-
тасадди ташкилотларга
таклифимиз қуйидагича:
Барча видеокаме-
лар аниқлаган жарималарни
умумлаштирувчи марказий база-
га тиббий маълумотнома асосида
камар тақмаслик имтиёзига эга
ҳайдовчилар ҳақидаги маълумот-
ларни жойлаштириш керак. Ёки шу
тоифадаги фуқароларга нисбатан жа-
рима белгиланган ва бунинг ортидан
фақат бир марта судга мурожаат қилиш,
бундан кейин бу бўйича бошқа мурожа-
ат қилишга ҳолат қолмайдиган тизим
яратилиш зарур. Токи бу тоифа одамлар
оворан сарсон бўлиб, қайта-қайта судга
югуриб (бусиз ҳам судьяларнинг иши кўп),
ҳам вақтини, ҳам нақдини йўқотмасин.
Исталган жойга камера қўйиб, ҳайдов-
чиларни жаримага тортаётган масъуллар ва
тадбиркорлар масаланинг мана шу томонларини
инобатга олса, адолатдан бўларди, назаримизда.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон Касаба
ушмалари
Федерациясида
куну тун фаолият
кўрсатадиган

1211

қисқа
рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар ўз
муаммолари бўйича
исталган вақтда
мурожаат қилишлари
мумкин.





Қамаши тумани «Баландчайла» оилавий шифокорлик пункти қорувули Бердиёр Худойқулов она-сининг саломатлигини мустаҳкамлаш зарурлигини ўйлади. Бу ҳақда туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Абдурахмоновга билдирган эди, раис ариза ёзиши лозимлигини айтди. Шундан сўнг «Қашқадарё соҳили» санаторийсига йўлланма ажратилди.

Худди шу масалада мурожаат қилган 48-оилавий поликлиниканинг лаборант врач Наврўз Холматов отасига «Зомин»га, «Кардиология» бўлими шифокори Наргиза Эшмуродова эса онасига «Оқтош»га йўлланма олди. Байналмилал жангчи, фельдшер Хуррам Худойбердиевга эса «Чортоқ» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди. Фарзандини олий ўқув юртида шартнома асосида ўқитаётган патронаж ҳамшира Моҳира Қодирова, икки фарзандини ёлғиз улғайтираётган Феруза Абдуллаева, орастобон, иккинчи гуруҳ ногирони Жамила Очилова, яқиндагина юрагига «стенд» қўйдирган ходима Хосият Баротовага касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам берилди. Уйда ёш бола тарбияси билан машғул бўлган орастобон, I гуруҳ ногирони Хуришда Нурмаҳматова ҳам эътибордан четда қолмади. Шу тариқа йил бошидан буён 60 нафар ходим касаба уюшма маблағларидан кўмак олди. Бундан ташқари, касабакўмнинг билдиргисига кўра, туман тиббиёт бирлашмасининг Жамғарма маблағларидан моддий ёрдам ва рағбат олган ходимлар ҳам кўпчилигини ташкил этади.

Эътиборлиси, 2023 йилда 33 нафар ходим ва уларнинг яқин қариндошлари санаторийларда соғлиғини мустаҳкамлаган бўлса, 73 нафар ўғил-қиз Яқкабоғ туманидаги «Сирли коинот» оромгоҳида ёзни мароқли ўтказишди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 8 нафар илғор ҳамширанинг пойтахтга, 104 нафар ходимнинг Самарқандга зиёрати ташкил этилди.

Мусобақа

Пойтахтимизда шу йилнинг 10-18 декабрь кунлари Ўзбекистон волейбол федерацияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида спортнинг волейбол тури бўйича эркаклар ўртасида «Ўзбекистон кубоги – 2023» мусобақаси бўлиб ўтди.

«UZTELECOM» ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА



Жамоалар учун дастлабки саралаш беллашувларидан ўтиш ва кейинги босқичларга йўлланмани қўлга кириштириш осон бўлмади. Бироқ спорт қойдаларига асосан, ҳар доимгидек эпчил ва шижоатлилар ўзларини намойён этишга муваффақ бўлишди.

Мусобақанинг финал босқичи дастлабки беллашувларда рақиб жамоаларга имконият қолдирмаган «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Uztelecom» ва Ички ишлар вазирлигининг «Road patrol» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

«Ўзбектелеком» АК Ахборот хизмати



Бошланғич ташкилотларда



ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИ

Туман тиббиёт бирлашмасида йилнинг энг муҳим воқеликларида бири – иш ўринларининг аттестациядан ўтказилгани бўлди. Шунга асосан ходимлар учун белгиланган қўшимча имтиёзлар амалга татиб этилди. Зарарли шароитларда ишловчиларга қўшимча меҳнат таътиллари берилди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси ташаббуси билан пенсияга чиқаётган 15 нафар фахрийга Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида эсдалик совғалари топширилди.

Ноябрь ойи мазмундорлиги, байрамларга бойлиги билан соҳа меҳнаткашлари учун қадрли. Яъни Касаба уюшмалари куни ҳамда Тиббиёт ходимлари куни байрамлари кенг нишонланди. Саналарга бағишланиб, «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спартакиада баҳслари ташкил этилди.

Ишлаш учун шароитлар қанчалик яхши бўлса, бу шифокорга ҳам, беморга ҳам бирдек фойдали. Кўп тармоқли марказий поликлиниканинг «Болалар бўлими» ҳамда «Қабул бўлими» бинолари таъмирланиб, янгича қиёфада халққа хизмат кўрсатаётир. Яна бир янгилик. Яқинда тумандаги



«Кардиомед» клиникаси ва «Сухроб барака савдо» хусусий корхонасида касаба уюшма ташкилоти тuzилди. Демак, инсонни улуглаш ва қадрлашга қаратилган савобли ишлар мазмун-мундарижаси янада бойийдиган бўлди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Форум

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



Мамлакатимизнинг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Жўмладан, ўзаро савдо-сотик ҳажми 2017 йилда 4,8 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2022 йил охирига келиб, 8,9 миллиард долларга етди. Аниқроғи, экспорт ҳажми 23,4 фоизга, импорт ҳажми 134,7 фоизга ўсди. Бултур эса Ўзбекистон Хитойга асосан минерал ёқилғилар, хизматлар, саноат, кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилиб, ундан машиналар ва асбоб-ускуналар, хизматлар, саноат, кимё ва турли-туман тайёр маҳсулотлар харид қилди.

Ўзбекистон Экспортчилари уюшмаси ташкил этган Ўзбекистон ва Хитой бизнес форумида бу жиҳатлар алоҳида таъкидланиб, асосий эътибор логистика, озиқ-овқат, ичимликлар ва кишлоқ хўжалигига қаратилди. Шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ва экспортчилар учун алоқа ҳамда йиғи соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани эътироф этилди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги келгуси савдо ташаббуслари учун асос бўлган тадбирда иштирокчилар саноат етакчилари билан мулоқотга киришиш, потенциал инвестиция имкониятларини кашф қилиш ва иқтисодий тараққиётга олиб келадиган стратегик иттифоқлар тузиш имкониятига эга бўлишди, – дейди уюшма раҳбари Ёрқин Маликов.

– Биз азалдан истеъмол қилиб келинадиган, аммо охириги вақтларда камёб бўлиб бораётган табиий маҳсулотлар савдоси билан шуғулланамиз.

Яъни тоғ қуртини Қозоғистонга экспорт қиламиз, ички бозорга улгуржи топирамыз, дилерларимиз дўконларга етказиб беришади, – дейди Поп туманининг Чоркесар қишлоғидаги «Тоғ маҳсулотлари» корхонаси раҳбари Қамара Жайлобова. – Шунингдек, нон, патир, қатламалар, сариёғ, дўлта ёғ, тоғ меваларидан мураббо-ларимиз ҳам бор. Бугунги тадбирда уларни Хитойга қай тарзда экспорт қилишни ўргандик.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон Экспортчилари уюшмаси экспортни рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи ташкилот бўлиб, маҳаллий экспортчиларга ишончли ёрдамчи сифатида халқаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва бизнесни тизимлаштириш учун имкониятлар яратишда муҳим роль ўйнайди.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

«Эҳтиром» нишони совриндорлари

ЮКСАК ИШОНЧ НАМУНАСИ

ЭШИК ОҲИСТА ТАҚИЛЛАБ, ХОНАГА ЁШ ХОДИМ КИРИБ КЕЛДИ. КАСА-БАҚЎМ РАИСИ БИЛАН САЛОМЛАШИБ, У КЎРСАТГАН ЖОЙГА ЎТИР-ГАЧ, МУДДАОГА ЎТДИ. ФАРЗАНДИ КАСАЛЛИГИ ТУФАЙЛИ МОДДИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ БЎЛИБ ҚОЛГАННИ, ҲАМКАСБАЛАРИДАН КАСАБА УЮШМАСИ РАҲБАРИГА УЧРАШСА, МУШКУЛИ ОСОНЛАШИШНИ ЭШИТГАНДАН СЎНГ УНДАН КЎМАК СЎРАБ КЕЛГАННИ ТОРТИНИБГИНА АЙТДИ.



қилиш, уларнинг саломатлигини таъминлаш ва илмий-тадқиқот муассасаларида оммавий спорт ишларини ривожлантириш мақсадида Бирлашган қўмита соврини учун «Академиада», «Отам, онам ва мен», «Академкресс» номи, шунингдек, мини-футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, бадминтон бўйича спорт мусобақалари уюштирилиб, ғолиблар рағбатлантирил-япти. Фанлар академияси академикларига бир нафар кузатувчиси билан Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Феде-рацияси ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғлом-лаштириш муассасаларида соғломлаштириш курсида бепул фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишда Фанлар академияси маъмуриятига до-имий равишда амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Шерзод Жўраев раҳбарлигида Бирлашган қўмита тасарруфидаги бошланғич ташкилот-лар ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкиллаштирила-диган «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш», «Ўз касбининг моҳир эгалари», «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси», «Электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти», «Йилнинг энг фаол ёш олими» доирасидаги республика кўрик-танловларида фаол қатна-шиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Ш.Жўраев иш жараёнида ички ва ташқи ту-ризмни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Шунга мувофиқ, жамоат ишла-рида бошқаларга ибрат кўрсатган ходимлар, кам таъминланганлар, фахрий устозлар ҳу-дудий зиёратгоҳлар ва қадимий шаҳарларга саёҳатга олиб боришмоқда. Унинг ташаббуси билан биргина ўтган йили 700 нафар илмий хо-дим ва ёш олимлар Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятидаги тарихий шаҳарлар ва муқаддас қадамжоларни касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан зиёрат қилиб қайтган бўлса, 115 нафар ходимнинг фарзандларига бо-лалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўл-ланмалар берилди.

Касаба уюшмалари обрў-эътиборини оши-ришга қўшган ҳиссаси учун Шерзод Жўраев бир неча бор Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, юқори ка-саба уюшма ташкилотлари томонидан фахрий ёрликлар, ташаккурномалар, 2008 йилда «Халқ таълими аълоҳис» кўрак нишони, 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил», 2021 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 30 йил» эсдалик нишонлари, 2021 йилда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан касаба уюшмалари-нинг бир йиллик кўрак нишони билан тақдир-ланган. Қолаверса, 2017 йилда «Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг фаол касаба уюшма ташкилоти етакчиси» но-минацияси совриндори бўлган.

Шерзод Жўраевнинг соҳадаги самарали меҳнатлари яна бир бор эътироф этилди. У Фанлар академиясининг 80 йиллиги кенг ни-шонланаётган шу кунларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг «Эҳтиром» нишони билан тақ-дирланди.

Албатта, инсоннинг бундай хурмат-эъти-бор қозониши осон кечмайди. Унинг замирида меҳнат, ҳаракат, иштиёқ, билим ётади. Шерзод Жўраев бу борада қатор босқичлардан муваф-фақиятга ўтди. Ҳаётини тизимга бағишлаб, хо-димлар манфаатлари йўлида бор илмини ишга солди, ўқиди, изланди, устозлари ўғитига амал қилди. Натижасини эса, ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Бас, шундай экан, биз юксак ишонч ва эътирофга лойиқ Шерзод Жўраевга келгуси фаолиятида зафарлар тилаб қоламиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

